



СССР Совет Ўзбекистон

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

26 октябрь 1972 йил, пайшанба + № 252 (15.423). ♦ Баҳоси 2 тийин.

МАШИНАЛАР ТИНИМСИЗ ИШЛАТИЛСИН!

АНДИЖОН ПЛАНИ БАЖАРДИ!

Андижон областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг аяқ олдириб, давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан олтари, 25 октябрда бажардилар. Ватан 500 минг тоннадан кўпроқ Андижон пахтасини қабул қилди.

Изобсан райони қатта муваффақиятларга эришди. Бу район планни областда биринчи бўлиб бажариб, ҳозиргача ҳар гектар ердан 34,5 центнердан хирмон кўтарди.

Ленин районининг пахтакорлари ҳар гектар ердан қирқ центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Улар пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариб, ҳозиргача ҳар гектар ердан 36,3 центнердан пахта териб олишди. Андижон, Вўз, Москва, Балиқчи, Пахтабод районининг деҳқонлари планнинг бажарилишига қатта ҳисса қўйишга ва юбилей йили учун олинган социалистик мажбуриятлар ҳисобига пахта топиришини давом эттирмоқдалар.

Бўз районида СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Жалолов бошчилиги қилаётган «Партия XX съезди» колхоз юбилей йилида ажойиб муваффақиятларга эришди. Бу колхоз терим техникасидан уюшқоқлик билан фойдаланганлиги туфайли пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 15 нини кунда бажариб, нўриқ ерда гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтариш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқда.

Ленин районидagi «Правда Востока» ва «Коммунизм» колхозлари ҳар гектар ердан 40 центнер ва бундан ҳам кўпроқ ҳосил кўтардилар. Ўзбекистон районидagi «Ўзбекистон», Валички районидagi «Пахтакор», Москва районидagi «Ленинград», Хўжабод районидagi «Россия» колхозлари, «Ойим», «Октябрь» 50 йиллиги совхозлари ва кўпгина бошқа хўжалиқлар ҳар гектар ердан 33-35 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, 40 центнерлик пахта хирмони учун курашмоқдалар.

Механизаторлар фидокорона меҳнат қилдилар. Машинада пахта териш плани 120 процент бажарилди. 234 минг тонна «оқ олтин» ёки бутун топирилган пахтадан 47 процент пахта терим машиналарида терилиб, тайёрлов пунктларига жўнатилади.

Ўзлаб механик-ҳайдовчилар фидокорона меҳнат қилиш намуналарини кўрсатдилар. Марҳамат районидagi Илчиқ номи колхозининг механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Полюнов айнаса зўр гайрат билан меҳнат қилиб, 850 тонна пахта терди. Механик-ҳайдовчилардан К. Эргашев, Т. Тожибоев, К. Абдурахмонов, М. Бўстамова, А. Албаров, Х. Отақунаева ҳамда кўпгина бошқа механик-ҳайдовчилар 300-500 тоннадан ва бундан ҳам ошариб пахта тердилар.

Область пахтакорлари бу муваффақиятларга колхозчилар ва совхоз ишчилари, меҳанизаторларнинг фидокорона меҳнати туфайли, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий таъқуриғига ва Ҳафиз Полюнов туфайли, партия, совет, касба соҳа, ҳар қандай давлат хўжалик органиларининг ташкилотчилиги ва сўбаси ишчи моҳирлиги билан олиб бораётганлиги туфайли эришдилар.

Андижон областининг деҳқонлари мамлакатдаги пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида бўлиб ўтган йилги қарорларини бажара бориб, юбилей йилида Ватанга 600 минг тонна «оқ олтин» беришга қарор қилдилар. Область колхоз ва совхозлари 1973 йилда мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратиб мақсадда кузги-қишқи тадбирлар комплексини ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширадилар.

♦ ҲОЗИРГИ ҚУЁШЛИ КҮНЛАРДА БИР КҮНДА ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТАНИ СОВУҚ, ҚОР-ЕМҒИР БОШЛАНИБ КЕТГАНИДАН СЎНГ 10-15 КҮНДА ҲАМ ТАЙЁРЛАБ БЎЛМАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАР БИР ДАҚИҚАНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК, ЮКСАК ИНТИЗОМ, УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТИБ ИШЛАЙЛИК.

♦ ТЕРИМ СЎРЪАТИНИНГ ПАСАЙИШИГА ЙЎЛ ҚУЙМАНГ. МАШИНАЛАР ВА ТЕРИМЧИЛАРНИНГ ИШ УНУМИНИ ОШИРИНГ, ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТАНИ ДАРҲОЛ ПУНКТЛАРГА ЖЎНАТИНГ, СОРТИН ПАСАЙТИРМАНГ.

♦ ТЎКИЛГАН ПАХТАНИ ТЕРАДИГАН АГРЕГАТЛАРНИ ТЎЛА ИШГА ТЎШИРИНГ, БИР АГРЕГАТ 80-100 КИШИНИНГ ИШИНИ БАЖАРИШИНИ УЎНУМАНГ. ПАХТА НОБУДГАРЧИЛИГИГА ҚАРШИ ҚАТТИҚ КУРАШИНГ.



ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ЧИРОҚЧИ РАЙОНИ пахта сотиш халқ хўжалик планини 24 октябрда бажариб, 21,5 минг тонна пахта топириштириб, бунинг 95 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Уртача ҳосилдорлик 27 центнерга етди. Ф. Хўжаев номи совхоз, «Қизил юлдуз», «Партия XXIV съезди», «Коммунизм» колхозлари планни бажариб, социалистик мажбуриятлар ҳисобига пахта топириштирилди. Пахтакорлар 28 минг тонна пахта топириш ва ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишдан иборат юбилей йили мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар.

ШАҲРИСАБЗ РАЙОНИ 24 октябрда пахта сотиш халқ хўжалик планини бажариб, 50,1 минг тонна биринчи сорт пахта топириштириб, ҳосилдорлигини 30,2 центнерга етди. Машиналарнинг бунинг 8,1 минг тонна пахта туларидан, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ленин номи, Энгельс номи, Калинин номи, «Ленинград» колхозлари ва бошқа хўжалиқлар планнинг бажарилишига қатта ҳисса қўйишди.

ПАХТАОБОД РАЙОНИ пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 24 октябрда бажариб, 41.800 тонна пахта топириштириб, бунинг 23.300 тоннаси машиналар билан терилди. Машина теримини 150 процент бажаришди. «Правда», «Москва», «Андижон», «Коммунизм», «Маданият» совхоз топириқини бажардилар. Пахтаободлик топириштирилган пахтадан 47.000 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар. (ЎЗАТ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

АНДИЖОН

АНДИЖОН, 25 октябрь. (ЎЗАТ). Андижон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленуми қарорларини муҳокама қилдилар.

«Кузги дала ишларини тугаллаш, янги қишлоқ хўжалик йилига тайёрларлик кўриш ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сийёс бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленумнинг яқдиллик билан қабул қилинган қароридида область пахта тайёрлаш планини муддатидан аввал бажарганлиги мамнуни-

ят билан таъкидланди. Давлатга 500 минг тоннадан ортиқ пахта сотилди. Колхоз ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш ва давлатга қўшимча равишда 100 минг тонна «оқ олтин» сотиш тадбирлари белгиланди. Кузги йил ҳосилига пухта замин яратиш учун кузги дала ишларини тугаллаш вазифалари белгиланди.

ТОШКЕНТ

25 октябрда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумининг қарорини муҳокама қилди. Кузги дала ишларини тугаллаш ва янги қишлоқ хўжалик йилига тайёрларлик кўриш ҳамда область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия

комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилган қароридида пахта, шол, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиб-териб олишни тугаллаш ҳамда келгуси йил ҳосили учун дала ишларини ўтказишнинг конкрет тадбирларини белгиланди. (ЎЗАТ).

ҚАШҚАДАРЁ

ҚАШҚАДАРЁ, 25 октябрь. (ЎЗАТ). Қашқадарё область партия комитетининг пленумида область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғолипов КПСС XXIV съезди қарорларини асосда бошлангич партия ташкилотларининг фаолиятини янада ахшиллаш тўғрисида доклад қилди.

ДАВЛАТГА САБЗАВОТ, ДОН СОТИШ ПЛАНИНИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб, давлатга сабзавот сотиш халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажардилар.

336 минг тоннадан ортиқ қарам, помидор, бодрийг ва бошқа сабзавот маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатилди, асраш учун омборларга жойлаб қўйилди ва қайта ишлаш корхоналарига элтиб берилди.

Мамлакат шаҳрлари ва бошқа саноат марказларига сабзавот етказиб бериш плани ортиги билан бажарилди.

Сабзавот сотиш давом этмоқда.

Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун мусобақалашиб, бу йилги мураккаб иқлим шароитларида галладан мўл ҳосил етиштирилди, уни ўз вақтида ўриб-йиғиб олдилар, давлатга галла сотиш халқ хўжалик планларини анча ошириб бажардилар.

Галла қабул қилиш пунктларида Литва ССР колхоз ва совхозлари 278 минг тонна, Латвия ССР колхоз ва совхозлари 252 минг тонна ва Эстония ССР колхоз ва совхозлари 94 минг тонна дон топириштирилди. Колхоз ва совхозлар озин-оқат экинларини харид қилиш планларини ошириб бажардилар, уларига керакли навали уруғликларини тўла-тўқис таъмин қўйдилар, кузги экинларини энг яхши муддатларда экиб олдилар.

ПАХТАНОР районидagi «Уч қаҳрамон» совхози пахта далаларида 120 терим агрегати юксак унум билан ишлатилди. Меҳанизаторлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажариш иштиёқидида ғанимат далаларнинг ҳар дақиқасидан тўла фойдаланмоқдалар. Илгор меҳанизатор Ж. Тилованов ҳам 350 тонналик маррасига яқинлашиб қолди. Суратда: Ж. Тилованов пахтазорда. М. Тўраев фотоси.

4.550 МИНГ ТОННА УЧУН

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 25 октябрга бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошида	Шу жумладан машина терими	
			Бир кунда	Мавсум бошида
ҚАШҚАДАРЁ	1,43	116,63	1,43	86,89
СИРДАРЁ	1,24	112,11	0,69	120,58
Андижон	1,63	98,74	2,78	117,13
Наманган	1,39	97,87	2,38	149,44
Тошкент	1,29	97,73	1,08	103,51
Фарғона	1,31	86,75	2,79	92,50
Сурхондарё	1,22	91,02	0,83	73,38
Бухоро	1,26	79,35	1,23	68,47
Самарқанд	2,16	64,92	2,72	61,27
Хоразм	1,85	62,06	2,48	45,54
ҚАССР	1,61	60,16	1,89	53,97
Республика бўйича:	1,49	86,81	1,78	91,39
Шу жумладан ичкига тоғали пахта	1,96	97,55		
Қашқадарё	1,36	64,25		
Сурхондарё	1,46	63,17		
Бухоро	1,59	76,18		

ШОЛ — ДАВЛАТГА

Сурхондарё областининг деҳқонлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани аяқ олдириб, давлатга шол топириш халқ хўжалик планини бажардилар. 8 минг тонна шол тайёрланди.

Ғафари, Денов, Сериксод, Жарқўрғон, Шўрчи районларининг дала меҳнатчилари бу йилги мавсумда айнаса яхши ишладилар. Йиллик планни 126 процент бажарган иттиҳослаштирилган шолкор «Искра» совхозининг деҳқонлари қатта муваффақиятларга эришдилар. Кўпгина бригадалар ҳар гектар ердан 50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ шол йиғиштириб олдилар.

Давлатга шол топириш давом этмоқда.

Наманган областининг меҳнатчилари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, давлатга шол сотиш йиллик планини муддатидан олтари бажардилар. Ватан омборларига 4505

тонна шол топиришди. Поп, Учқўрғон ва Учқир районларининг деҳқонлари планнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўйдилар. «Ўғулбоғ» совхозининг меҳнатчилари айнаса яхши натижаларга эришдилар. Бу совхоз меҳнатчилари 500 тоннадан кўпроқ шол топириштирилди. Поп районидagi Ленин номи, Учқўрғон районидagi «Пахтакор» колхозлари, «Ийяман» совхоз меҳнатчилари ҳам мўл шол ҳосили йиғиштириб олдилар.

Бу йил областда шолнинг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига қарийб 45 центнерга етди. Хўжалиқлар ҳозирдаги уруғлик фондиди жамғариб қўйдилар.

Андижон областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари СССР ташкил этилганлигининг шолни юбилей шарафига бошланган мусобақани аяқ олдириб, шол етиштириш плани ва мажбуриятини муваффақиятли бажардилар. Давлатга этти минг тоннадан кўпроқ шол топиришди. Область бўйича ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 50 центнерни ташкил этди. (ЎЗАТ).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан олтари бажарганликлари учун муайянлар республика «Хурмат тахтасига» бағилди.

Андижон области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Раҳимов, область икрия комитетининг раиси ўртоқ Қанонов, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қодиров, совхозлар трестининг директори ўртоқ Мансуров, «Узсельхозтехника» область бirlашмасининг раиси ўртоқ Турсунов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Кубиёев).

Чирчиқ райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Файзулла, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Бобоқулов, район икрия комитетининг қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бердиқулов, «Узсельхозтехника» район бirlашмасининг раиси ўртоқ Бекмуродов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов).

Шаҳрисабз райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Элбоев, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Мухаммадиев, район икрия комитетининг қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қиличев, «Узсельхозтехника» район бirlашмасининг бош қарувчиси ўртоқ Бедрасов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Зайниддинова).

Пахтабод райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Эшонов, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Даировов, район икрия комитетининг қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тожибоев, «Узсельхозтехника» район бirlашмасининг бош қарувчиси ўртоқ Исоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ваҳобов).

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

НАМАНГАН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). СССРнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат бахтасида туриб ишлатилган область чорвадорлари қатта эъфоз кўчдилар. Давлатга 6028 тонна гўшт етказиб бериб, йиллик планни муддатидан икки ярим ой илгари бажардилар. Бу ўтган йилдагига қараганда 317 тонна кўпдир. Ғалабани таъминлашда Учқўрғон район бурдончибоқларни баранали ҳисса қўйишди. Улар гўшт тайёрлаш планини 104,5 процент ўзинлашди. Задарё, Тўрақўрғон районлари топириқидан анча ортирди гўшт сотдилар.

Областда гўшт тайёрлаш давом этилти.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

КРЕМЛДА ЗИЁФАТ

Совет ҳукумати 24 октябрда Катта Кремль саройида Италия Министрлар Советининг Раиси Жулио Андреотти шарафига зифат берди.

Зифатда олий меҳмон билан бирга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар, шунингдек Италиянинг Москвадаги элчиси Федерико Сенс бор эдилар.

Совет томонидан зифатда А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, П. Е. Шелест, Б. Н. Комаров ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўйдилар.

А. Н. Косигин ва Д. Андреотти нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари қарсаклар билан қутиб олинди. (ТАСС).

Расмий хабарлар

СОВЕТ-ИТАЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

24 октябрда Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Италия Министрлар Советининг Раиси Д. Андреотти ўртасида музокаралар бошланди. Рўй-рост ва ҳамжиҳатлик вазиётада ўтган музокара давомида Европа хавфсизлиги проблемалари ҳамда бошқа муҳим халқаро масалалар ҳусусида ҳам фикрлашиб олинди. (ТАСС).

ЯПОНИЯ ТАШКИ ИШ- ЛАР МИНИСТРИ М. ОХИ- РАНИНГ СССРДА БЎЛ- ГАНЛИГИГА ДОИР

Япония ташки ишлар министри Масаеи Охира 1972 йил 21 октябрдан 24 октябргача Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида Совет Иттифоқидида бўлди.

Совет-Япония муносабатлари

ва ҳар икки томонни қизиқтирган баъзи халқаро проблемалар ҳусусида фойдали фикр олишув бўлиб ўтди.

Япония ташки ишлар министри Япония билан ХХР ўртасида муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида Совет томонини хабардор қилди. У Япония билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашуви учинчи мамлакатга қарши қаратилган эмас, деб айтди.

СССР билан Япония ўртасида ўзаро келишувга мувофиқ шу йил январа ойида министрлар ҳар иккала мамлакат ўртасида тулх шартномасини тузиш тўғрисида

музокараларини бошладилар. Улар шу масала ҳусусида ўз позицияларини баён қилдилар ва фикрлашиб олдилар. Томирлар музокаралар давом эттирилади, деб қопшидилар.

Ҳар иккала томон СССР билан Япония ўртасида турли соҳаларда алоқаларни кенгайтиришни фойдали деб топдилар.

СССР билан Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш тўғрисида фикрлашиб олинди.

Ташки ишлар министрлари ўзаро маслаҳатлашув учун 1973 йилда Москвада томирлар учун мақбул бўлган вақтда учрашиб тўғрисида келишиб олдилар.

Бўлиб ўтган суҳбатлар рўй-рост ва ҳамжиҳатлик вазиётада ўтганлиги ва ҳар икки томон учун фойдали эклиги мамнуният билан қайд қилинди. (ТАСС мухбири).

ГАЗЕТАГА МУКОФОТ

КПСС XXIV съезди қарорларини пропаганда қилишда иқодий таъсиббас кўрсатганлиги, меҳнаткашларни бу қарорларни бажаришга сарфбар этганили, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда илгор тажрибани пропаганда қилиганили, ССР Иттифоқи ташкил толган кунинг 50 йиллиги шарафига олинган умумхалқ социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритганили, меҳнаткашларни коммунистлик руҳда тарбиялаш ҳақсидида кетта ишлари учун «Ҳақиқати Ўзбекистони» газетаси СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломи билан тақдирланди.

Газетанинг бир гуруҳа ходимлари Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг кумуш ва бронза медаллари билан мукофотланди. (ЎЗАТ).

